

ВАҚТ ҒАНИМАТ. СЎНГГИ ТОННАЛАР УЧУН КУРАШГА!

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 239 (4230).

3

ДЕКАБРЬ

ЧОРШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин



В. Литвинов фотоси.

● Калинин районининг мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари Янгийўл райони пахтакорларига ҳосилни йиғиб-териб олишда катта ёрдам бердилар. Ҳозирги кунда улар Бўка районида пахта йиғим-теримида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

● Оржоникидзе районининг мактаб ўқувчилари ҳам пахта йиғим-теримида актив қатнашмоқдалар.

● ОҚЎРҒОНЛИКЛАР БЕКОБОД РАЙОНИГА, ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР БЎКА РАЙОНИГА ЁРДАМЛАШМОҚДАЛАР.

● Пахта учун умумхалқ курашида ғайрат ва матонат кўрсатаётган область мактабларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларига, меҳнатсевар ва ватанпарвар ўғил-қизлар ўстирган ота-оналарга раҳмат!

АЛИ ЯРИТОВ бошлиқ бригада аъзолари Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номи колхозда энг илорлардан бири ҳисобланади. Бу бригада аъзолари беш илликнинг тўртинчи йилида 162 гектар ерга чигит экиб, пландаги 24 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Шу кунларда бригада аъзолари охириги кўракларин териб ўз вақтида йиғиштириб олмақдалар. Суратда: кўрак чувиш машинасида пахта тозаланимда.

В. Литвинов фотоси.

ЯНА 250 ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ

Колхозимиз аъзолари бу йил юз берган табиий қийинчиликларга қарамай Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги, колхозчиларнинг Бутунитфоқ III съезди мубоасбати билан бошланб кетган умумхалқ мубоасбасига қўшилиб йиллик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар. Ҳозиргача 775 гектар пахта майдонидан 1775 тонна ҳосил йиғиб давлатга топширилди. Шу пахтанин 77 проценти биринчи сорта қабул қилинди.

Илгор бригада ва зveno аъзолари бу йилги шароитда ҳам юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Масалан, Эргаш Азиев, Жабор Нормуратов, Мустафо Садов сингари зveno аъзолари ҳар гектар ердан 28—28 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Колхозимизда йиллик планини муваффақиятли бажарилишида Мардон Чориев, Муртозо-

қул Худойбердиев, Ҳамроқул Ражабов, Олтинбек Бакировлар бошлиқ бригада, Файзи Бобо-рахимов, Омон Рустамов, Абду-самат Қуробоевлар бошлиқ зveno аъзолари катта ҳисса қўшдилар. Бу бригада ва зveno аъзолари планларини тўла ва ошириб бажардилар. Ҳозир ҳам қолган ҳосилни йиғиб олишда пешқадамлик қилмоқдалар.

Бу йил машиналар билан 842 тонна пахта териб олинди. Эргаш Азиев, Жабор Нормуратов, Жонан Хўжақулов, Норбой Файзиев, Амир Рустамов, Жо-ниқулов, Усмонов, Муслим Бек-мирзаев, Шойи Холматов сингари механик-ҳайдовчиларимиз мавсумда 50—60 тоннадан пахта териб хирмовга тўлдирлар.

Биз Кичик Ужасева, Бурма-гуз Усмонова, Гулной Тўлағова, Муассар Тағриева, Фотима Тўлағова сингари қўлингич-лограмми теричиларимиз билан фахрланамиз. Улар бу йилги мавсумда 8—10 тоннадан

пахта териб энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Колхозимизда пахта тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилишида шаҳар ва қишлоқ мактаб ўқувчилари бизга яқиндан ёрдам бердилар. Ўз қишлоғимиздаги 66-мактаб ўқувчилари 150 тонна, Наримонов номи мактаб ўқувчилари 40 тонна пахта териб бердилар. Бундан ташқари Олмалик шаҳ-ридан келган 12-мактаб, 4-мактаб, Тошкент шаҳридаги 174, 239-мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари астойдил меҳнат қилди-лар. Шунинг учун биз улардан беҳад миннатдоримиз.

Яқинда колхознинг намуна-вий Ўстави қабул қилинди. Бу Ўстада жумладан ердан унум-ли фойдаланиш, ҳосилдорлик-ни ошириш, ер мелiorатив аҳо-лини яхшилаш, ернинг қадрлашга алоҳида эътибор берилган. Бу шубҳасиз ҳаётини гап. Маълум-ки, илгари бизнинг колхоз энг қолоқ, кам ҳосил хўжаликлардан

бири эди. Кейинги йилларда колхозимизда ерларнинг мелiorатив аҳолини яхшилаш мақ-садида бир мунча ишлар қилин-ди. 15 километр узунликдаги эски зовурлар тозаланди. 30 гектар янги ер улаштирилди. Натижада ҳосилдорлик анча ошди. Об-ҳаво яхши келган йил-лари колхозимиз бўйича гектар-ридан 27—28 центнердан ҳосил олинди. Демак, ернинг қадрлашга ундан ҳам кўп ҳосил олиш мумкин.

Биз ҳозир қолган ҳосилни йиғиб олиш билан бирга келгу-си йил ҳосили учун тайёрлар-лик ишларини кўраётимиз. Ерин бўшатиб шудгорга тайёрларлик кўриляпти ва ерлар сифатли ҳайдалаётир. Биз районимизда, областимизда бўйича бажариш учун қўшимча 250 тонна пахта етказиб беришга қарор қилдик.

М. ИБРОХИМОВ.

Бўка районидаги Жамбул номи колхоз раиси.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» КОЛХОЗИ МАРРАГА ЕТДИ

Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхоз пахтакорлари катта зафар куч-дилар. Улар она-Ватанга 4.360 тонна «оқ олтин» тошириб йиллик пахта тайёрлаш планини ошири билан бажардилар.

40 ЦЕНТНЕР УЧУН

Оққўрғон районидagi Куйби-шев номи колхозининг Бўрон Бийтўраев бошлиқ қишлоқ бригадаси 25 октябрдаги маж-буриятни бажарган эди. Шу кунларда бригада аъзолари дав-латга қўшимча мажбурият ҳи-собида пахта тоширмоқда.

Улар 50 гектар пахта майдонидан ҳар гектардан она-Ватанга 40 центнердан пахта топ-ширишга аҳд қилишди.

Ҳосилнинг 80 проценти ма-шина билан териб олинди. Ил-гор механик-ҳайдовчилардан С. Мирзакаримов, Ш. Қудратовлар бунда мубоасб ҳисса қўшди. Қўп минг килограммчи теричилар сафига қўшилган илгор теричилардан Жумагул Саидова, Ўғилбой Пардабоева, Жан-гиз Ёшбековлар мавсумда 6—8 тоннадан пахта териб мажбу-риятини олиш ишлаш шу кунлар-да 100—150 килограммданга етказиб қўсак териммоқда.

— Ҳали далада ҳосилнинг кўп,— дейди бригада бошлиғи Бўрон ага Бийтўраев,— ўз устимизга олган қўшимча мажбу-риятимизни ҳам бажариб, ҳо-силдорликни гектар бошига 40 центнерга етказамиз. Бу биз-нинг дохил юбилейига мубоасб совғамиз бўлади.

Д. ХУСАНОВ.

ОБЛАСТЬ ШОЛИКОР- ЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Область шоликорлари давлатга маҳсулот етказиб бериш йиллик планини ба-жардилар. Давлат омбор-ларига 17 минг 50 тонна дон тўқилди. Бу муваффақиятга эришишда Ўрта Чирчиқ, Ян-гийўл, Юқори Чирчиқ ва Оққўрғон районларининг шоликорлари ўзларининг мубоасб ҳиссаларини қўш-дилар.

Давлатга шоли топшириш давом этмоқда.

ТАШВИШЛИ
СИГНАЛ

ЎЗБЕЛАРМОНЛАР

Областимизнинг сабзавоткор-колхоз ва совхозлари ғалвирини сувдан кўтаришляпти. Даладардан иссон меҳнатининг натижаси маҳ-сулотларнинг кўпчилиги қисми йиғиштириб олинди.

Пайналлардан ҳали ҳам сабаи, туруп, қарам наби совуққа анча чидамли эканларини йиғиштириб олиш қизгин давом эталяпти. Шун-дай бўлгач, ҳали ҳам «Ташзавот-плодоовощ»нинг тайёрлов пункт-ларига машиналарга ортилган маҳ-сулотлар келиб турибди.

Минг афуски, ана шу деҳқон ёз бўйи самарали меҳнат қилиб тайёрлаган маҳсулотини бевосита аҳолига етказиб бериш қиш ойла-рига гамлаб қўйиш вазифаси топ-ширилган тайёрлов пунктларида бир хиллик йўл, ним дандай хоҳ-ласа, шундай ишляпти.

Бир мисол. 19 ноябрь кун-и «Ташзавотплодоовощ»нинг Юнус-ободдаги 11-пункти ходимлари

«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозидан 160 тоннадан кўпроқ қарам қабул қилиб олинди. Улар 2710 килограмм маҳсулотни сара-лаб ўртоқ Анвар Жалолов дирек-торлик қилаётган 3-комбинатга юборишди.

Комбинат директори, унинг ўринбосари ҳам, шу комбинат 4-омборининг мудири Бобоев ҳам қарамни кўриб, уни қабул қилиб олишларини айтишди.

Машина таровига тушганда Бо-боевнинг жазаваси тўтди. «Ҳар тонна қарамдан 300 килограммдан чегириб ташламасангиз, қарам-низи қабул қилмаймиз», деб оғ-нини тираб олди.

Шунда пункт экспедитори Қо-дир Уразгелдиев «Бўлмаса, биз қарамни сизга эмас, дўконларга тарқатамиз», деб машинани бўрган эди, омбор мудири Бобоев ошгани бериктиб қўйиб, машинани чиқар-тирмади.

Кенгача экспедитор Уразгелди-ев директорга бир неча бор муро-жаат қилди. Сўнг қоронғи тушгач, машинани базадан юки билан чи-қариб юборишди.

Комбинатга қарам келтирган 3-звоткомбинатга қарашли «08—82 ТН.А» машинаси (шофери Ур-тоқ И. Асєрчев) учун 11-тайерлов пункти бир кунига 30 сўмдан кў-проқ ҳақ тўлайди. Бунинг устига шофєр ҳам, экспедитор ҳам овора.

Қарам 3-комбинат раҳбарлари ва уларнинг айби билан олинмади, топширилмаган қарамни келтирган машина учун эса ҳақ тўланади.

Бизнингча, ана шундай ўз бил-ганча иш тутаятган, келтирилган маҳсулотларини қабул қилаётганда нормадан ошқича чегирини талаб қилаётган Бобоев, Жалолов наби шахсларнинг танобинини тертиб, бун-дай ҳолатга чек қўйиш керак.

А. МИРЗААХМЕДОВ.

ЖАНГОВАР ПРОГРАММА

лоқ хўжалигини комплекс ме-ханизациялаштириш колхозчи-ларимизнинг энг муҳим вазифа-си бўлиб қолди. Кекса колхоз-чилар, ёш механизаторлар «Бу-тун фикри-истагимиз янги Ўс-тада ўз ифодасини топган» деб айтишмоқда.

Ҳозир даладаги ҳосилнинг сўнгги граммларини ҳам нобуд қилмай, тезроқ давлатга топ-шириш давом этипти. Колхоз-чилар 1070 гектар майдондан 2700 тоннадан ортқ «оқ ол-тин» топширишди, йиллик

планин муваффақиятли бажар-дилар. Ҳар гектар ердан олин-ган ҳосил 26,5 центнерга етди.

Планин мўддатидан олдин адо этган Жўра Анорбоев, Қа-ландар Абдурахимов, Тобилов-та Аширбоев, Холмирова Ўрни-боев, Эркин Тобибеков каби

пешқадам звеноларнинг аъзо-лари қўшимча мажбурият ҳисо-бига «оқ олтин» дурдоналари топшириляпти.

Механизаторлар кўрак чу-виш машиналарининг унумли ишлашини таъминляпти. Шу билан бирга хўжаликда келгу-си йил мўл ҳосил учун ҳам ҳо-зирдан бошлаб пахта замин яратилляпти.

В. БОБОХОНОВ.


356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ГАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
2 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан буён машинада терилгани.

ОҚЎРҒОН	0,42	102,98	0,07	75,75
ЯНГИЙЎЛ	0,32	101,59	—	52,12
Оржоникидзе	1,01	96,58	—	47,50
Юқори Чирчиқ	0,69	89,87	—	43,63
Ўрта Чирчиқ	0,75	85,50	—	43,91
Бекобод	0,86	76,99	0,05	33,01
Бўка	0,92	74,69	—	34,87

Область бўйича 0,65 89,09 0,01 51,63



тонна учун

ОБЛАСТИМИЗ
РАЙОНЛАРИДА
ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 2 ДЕКАБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан
процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, ик-кинчи стун — бир кунда, учинчи стун мавсум бошидан бери.

Калинин	3,2	91,7
Оржоникидзе	1,4	81,5
Бўстонлиқ	2,8	80,2
Юқори Чирчиқ	—	52,5
Оққўрғон	1,4	31,2
Янгийўл	1,8	25,1
Ўрта Чирчиқ	2,4	23,0
Бўка	1,5	18,6
Бекобод	1,3	9,2
Область бўйича	1,6	31,1




Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозда пахта тери олишган майдонларни шудгорлаш ишлари қизгин олиб боришмоқда. Ҳайдаш ишлари график усулида таъкил этилганлиги учун ҳам шу кунгача бу колхозда 300 гектарга яқин майдон сифатли шудгорлаб қўйилди. Суратларда: (чапда) ер ҳайдаш пайти Унга: илгор тра-кторчи Е. Қўчнев.

СУРХОНДАРЁЛИКЛАР ЗАФАРИ

ТЕРМИЗ, 2 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Сурхондарё область партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Муродов йиғим-теримини таъминлаш ва пахта топшириш юзасидан олдинги соци-алистик мажбуриятларини бажариш соҳасида область меҳнаткаш-ларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Сурхондарё меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мубоасбани кенг авж олди-риб, пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар. Дав-латга 331 минг тонна пахта, шу жумладан 68 минг тоннадан энёроқ энг қимматли илгичка толали пахта топширилди. Партия активи йиғилиши қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг таъ-лифларини маъқуллаб, давлатга пландан ташқари 35 минг тон-на пахта териб топширамиз, деб янги социалистик мажбурият олди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиссий Бюроси аъзо-лигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-нинг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.



СИЗ кўриб турган суратда Фарҳод гидроэлектростанцияси биноси тасвирланган. Асос Сирдарё жилволаниб, мана шу ерда ўз қудратини нурга айлантириб, республикамизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларига, саноат корхоналарига электр қуввати етказиб беради. Юртимизнинг чарогон этади.

ҚАДИМИЙ ЭРТАК

ЭЛИМИЗ орасида қадимий бир эртак бор. Бу эртанинг қачон яратилганини ҳеч ким билмайди. Бизни бировлар Навоий достонлари билан бирга яратилган деса, бошқа бировлар Сир бўйида халқимиз билан бирга турган, дейишади.

Ҳар иккисига ҳам ишониб мумкин. Чунки ҳазрати Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достониди чулға сув чиқариш ва қакраб ётган ерларга об-ҳаёт келтириш мавзун тараннум этилган.

Она шарҳида бир чашма ҳоли. Сунг ул навъим ҳайвон зилоли. Қилиб ул тоғни чун ер бирла тенг. Ариқ намоққа ҳарён қўл очиб кенг. Ки сув ондин қуйи чун айласа майл. Исгай боғу бўстон анда ҳар хайл.

Лекин, Навоий достониди қуйланган бу муқаддас эл оравун рўбига чиқмайди. Фарҳод ҳалок бўлади. Шарҳидадан оққан чашма Ширин диверни боғу бўстонга айлантира олмайди. Ариқ қазган Фарҳод ва унинг боқира севгилли Ширин ўз мурод-мақсадларига етолмай, абадий бир афсонага айланиб қолади.

Бу афсона халқ тилида ўзининг янги ҳаётини топади. Навоий айтмаган воқеа ва жойлар аниқ қўрсатилади, янги афсона вужудга келади. Бу афсонага кўра, Сирдарёнинг Фарғона водийсидан чиқиб, Мирзачўл саҳрасига қулоқ ётган жойда, яъни Бекобод шаҳрининг жануб томонида «Маҳинбону» қалъаси бўлган эмиш. Лекин, қалъа аҳли сувсизликдан доимо қийналиб келган. Маҳина Маҳинбону Сирдарёни боғлаб, қалъа ерларига ва ўзига қарашли Мирзачўлга сув чиқаришга аҳд этади. Ким чулға сув чиқарса, унга ақлаб-елтиш моҳи тобон, оқила сингисин. Шириннинг келилини бераман, деб ҳабар этади. Фарғона водийсидан Фарҳод беш боғлаб келади. Мўғул тоғи этагиди ер қазиб, тоғдан харсангларни дарёга ағдара бошлади. Фарҳод доғи Маҳинбону диверга таркалади.

Эрон подшоҳи Хисрав Ширин намолига шайдо бўлиб, ўз қўшнлар билан Мирзачўлга келади. Дарё тўсаятган Фарҳоднинг макр йўли билан ҳалок этишга киришади. У қўшнларига бўйра келтириш ва уни тақирга ёзиб чиқаришга буюради. Бу иш бажо келтирилганда, макор Ёсман қашқирин Фарҳодга юборади. У Фарҳод қўшига фард чекиб бориб, «Хой пахлавон кен қолдинг, Хисрав дарё тўсиб, чулға сув чиқарди» дейди. Вақт оқшом бўлганида, Фарҳод чулға қарайди. Дарҳақиқат, чул ялтираб кўринадди, дарё суви мавж уриб, Маҳинбону қалъаси томон оқаятгандек туюлади. Шунда Фарҳод «кеч қолдим, севгим саробга айланди» деб бошига кўтарган харсангини ўз устига ташлаб ҳалок бўлади. Чулға сув чиқарилмайдиган, Золим Хисрав шох Маҳинбону юртини хароб этиб, Ширинни — гўзаллиги тим-соллини банди қилиб олиб кетади.

Бу халқ афсонаси ҳали-ҳозиргача эл оғзидан тўшмайди. Бекобод яқинида Фарҳод тоғи Ширин соғи ва Маҳинбону қалъаси харобаларидан пайдо бўлган тепалик бор. Бу аниқ жойларни эл афсонаси яратган. Бу жойлар эрталарда қуйланган. Лекин, об-ҳаёт оравунига ўлмас эртак бўлиб, асрлардан асрларга, тиллардан-тилларга ўтиб келган.

ДОҲИЙ ДЕКРЕТИ

ОКТАБРЬ инқилобининг ҳаётбахш нури Мирзачўл ерларига ҳам баҳор олиб келди. Эркини ўз қўлига олган халқимиз мамлакатини обод, чўллари гулистонга айлантирди. Доҳий Декрети нуносабати билан Бекободда цемент заводи қурилиб, темир-бетон объектилар ва ирригация иншоотлари учун маҳсулотлар етказиб бериш бошланди.

Сирдарё соҳилида янги қишлоқлар пайдо бўлди. Дарё суви Далварин каналларидан тўлиб оқа бошлади. Янги экинзорлар бунёдга келди. Халқимиз ораву қилган, «Фарҳод ва Ширин» достонларида қуйланган об-ҳаёт чашмаларининг дастлабки жилгалари қа-



СИР БҲЙИ- Н УР БҲЙИ

қадимий она юртимизнинг тапшаҳол ерларига нинку олиб келди. Чул бағрида дастлабки боғу бўстон гул-ғунчалари бўй чўзиб, барг ёзди.

Сирдарёдан чиққан дастлабки каналлар орқини ва гузал ҳаёт қураётган ижодкор халқимизнинг улкан талабларини қондира олмасди. Халқимиз Мирзачўлнинг у ер-бу ерини ўзлаштириб, дахлат воҳаларини пайдо этиш билан тинчлиқни қилишни истамасди.

Халқимиз бутун Мирзачўлни Фарҳод тоғидан Нурота тоғларигача ёйилиб ётган неча юз минглаб бўм-бўш, бедармон ётган бўз ерларга ҳаёт олиб келишни истарди. Бу ораву асрлар оравуни, қадимий халқимиз оравуни эди.

Мирзачўлни яхлит Мирзачўлистонга айлантириш учун нима қилиш керак? Ёнг аввало асос Сирдарёни бутунлай жилволанг керак. Уни қадимий ўзанидан ажратиб, янги об-ҳаёт йўллари раван этиш керак.

Бу жуда катта ва жасоратли иш эди. Партия ва ҳукуматимиз эл хоҳишини бажо келтириб, Сирдарёни тўсиб, Фарҳод гидроэлектростанциясини қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарор Сирдарё соҳилида қадимий замонлардан бўён қўн-қўшни бўлиб яшаб келётган халқларни илҳомлантириб юборди. Ширин ораву қилган, Фарҳод енг шимарган давр эди келди.

Эл оравуни қанот ёзди, афсонавий Фарҳод тоғи этакларида умумхалқ ҳаракати дарё тўқинларидан мавж урди.

ОҒИР ЙИЛЛАР ЖАСОРАТИ

УЛУҒ Ватан урушининг энг оғир йили — 1943 йил эди. Қора денгиздан Оқ денгизгача чўзилиб кетган бир неча минг километрлик фронт майдонларида баҳодир халқимиз, шонли қўшнларимиз немис-фашист босқинчиларининг йўлини тўсиб, уларни вақтинча ағаллаб олган жойлардан ҳайдаб чиқариб, баҳамон тор-мор келтириш учун шиддатли жанглар олиб боради. Фронт тобора жанговар, кенг қулоқ ёзиб, янги куч, қуrol-аслаҳалар кутарди. Қуrol-аслаҳалар учун пулат қуym-лар керак эди.

Ўзбек халқи ўзининг дастлабки металлургия заводини бунёд этишга, энергетика базасини, янги «оғ оштин» водийсини яратишга бел боғлади. Бу жасоратли иш ўша ёнр 1943 йилининг феврал ойида бошланган эди. Қурилиш техникаси ва қурувчилар етишмас эди. Шунинг учун ГЭС қурилиши умумхалқ қурилиши деб эълон қилинди. Қурилиш ҳажми мураккаб бўлиб, бир неча миллион кубометр туپроқ, тош-харсанг қазиб чиқариш, канал қазиб, унинг четларига тош ётқизиб, бетонлаш, шунингдек металл конструкцияларни ва механизмларни монтаж қилиш ишларини олиб бориш талаб этиларди. Фарҳод тоғи этагиди улкан рўтбонли тиклаб, унинг ёнидан канал қазини ва ГЭС биносини тиклаш ишлари бажарилиши зарур эди. Бу улкан ишни ватанпарвар халқимиз ўз елкасига олди. Фарғона водийсидан, Сурхону Қашқадарёдан, Амону Зарафшон соҳилларидан, Тошкент ва бошқа жойлардан замон фарҳодлари белини маҳкам боғлаб, енг шимариб, Бекобод шаҳрига йўл олдилар.

Юрагиди ўти бор, баҳодир Фарҳодлардан эди. Исроил ГЭС қурилишида келганда онли йигирма етга қадам қўйган, Фарҳоддай куч-қудратга тўлган эди. У ГЭС биносини қурилишида ишлайди, Наманган областидан келган

қурувчиларга ГЭС ишпоотида ишлаш вазифасини тоширилади.

Исроил Сирдарё бўйида туриб, Фарҳод тоғига, бош кўтариб қарайди. Дарё устида харсанг қойлар қалашини ётибди. Дарёга ағдарилиб тушган харсанг тошлардан сакраб ўтаётган дарё ваҳимали шовуллайди, уюқ-ўтмиш сув ҳақидаги афсоналарни елга келтиради. Сўзга тушиб, сув йўлини тўсиб ётган қоя тошларни бақли Фарҳод чиндан ҳам тоғдан кўчиргани, деб ўйлайди. Исроил, Сўй, ёнгиз отини чағи чиқмас, чағи чиқса ҳам донг чиқмас, дейди.

Мана энди шу эртанга айлانган қояли соҳилга ҳамма ёқдан одамлар келмоқда. Улар қайсар дарёни тўсиб, унинг устида улкан тўғон тиклайдилар. Ундан сув ва нур оладилар.

ФАРҲОД БАҲОДИРИ- НИНГ ҲИКОЯСИ

МЕН Наманган областининг Янгиқўрғон районидаги Заркент қишлоғиданман. Отабобом дехқон ўтган. Ўзим ҳам пахтакорман. Мен фронтга кетиш учун навбат кўтиб юрардим. Бир маҳал қолхоз раиси мени идорага чақирди, сени Фарҳод қурилишига, Бекободга юборамиз, деди. Газеталарда Бекободда Фарҳод ГЭС қурилиши бошлангани ҳақида хабарлар чиқиб турарди. Буюк халқ қурилишини кўз олдимга келтирдим. Бекободга йўл олдим. Мен билан бирга Намангандан жуда кўп одамлар йўлга чиқиди. Ўзимга ўхшаган ўсимир ва йигитлар билан танишиб олдим. Наманганлик Мамадали Ҳасанов, Солижон Муроталиев ва бошқа йигитлар билан ёнма-ён туриб ер қазиб, бўлажак ГЭС биносини учун жой тайёрладик.

1947 йилгача ер қазиб, харсанг кўчириб, ГЭС биносини қурилишида ишладим. Иш ҳилма-хил ва қийин эди. Лекин ўзимни четга олмадим. Кўз олдимда бир антиқа нурухона бўлиб га келаятганини кўриб, ўзимни бениҳоя бахтли ҳис этардим.

ГЭСнинг биричи навбати 1947 йилнинг ноябрида — Октябрь инқилобининг 30 йиллигида ишга туширилди. Сирдарёни тўсиб турган тўғонни, ундан ўйноқлаб ГЭС биносига йўл олаётган янги дарёни кўриш эртанга ҳам бўлмаган ишда. Фарҳод ерида Фарҳод ўрнида туриб Нур ва сув дарёсини яратиб қўйилмакам иш эмасда, ахир.

Қурувчиларнинг шодлигини кўрсангиз! Бунақа байрам ҳеч қачон бу ерда. Сирдарё бўйида бўлмаган бўлса керак. Асти эсда қичмайдиган тағина бўлди.

Мен Фарҳод ГЭС қурилишида ишлаб юрар эканман, бу ерга ўрғаниб қолди, ундан қўнғил узоқлайдиган бўлиб қолдим. Мен наманганлик дўстларим Мамадали Ҳасанов ва Солижон Муроталиев билан маслаҳатлашиб ГЭС ишга тушиши билан бу ерда электромонтер бўлиб қолишга аҳд қилдик. Электрчилар курсида ўқиб, янги касбни эгаллаб олдик. Ўзимиз ер қазган, ўзимиз биносини тиклаган. ГЭСда электромонтер бўлиб қолдик. Мен ГЭС нурулини хизматиданман. Солижон дўстим сув миндирини бараварлаштириб турадиган кўприк қранчиси бўлиб ишлайди. Мамадали Ҳасанов аса менга ўхшаган электромонтер бўлиб ишлайди.

Шу жойда ўсиб улғайдик, болачақлик бўлди. Ишмиздан хурсандимиз. Ҳаётимиз ўзингиз кўриб турибсиз: маъмурчилик, фарвон,

ЭЛ ҲУРМАТИГА САЗОВАР БҲЛГАНЛАР

ИСРОИЛ Мирзохолов ўзи ва шериклари ҳақида жуда кам гапирди, кўпроқ ГЭС ҳақида, унинг халқ ҳўжалигини ривожлантиришдаги катта хизмати ҳақида қувониб сўзлайди. Мен юқори кўчланли тармоқча ишлатиладиган изолятор ёнида Исроилни кўрдим. У, изоляторни кўздан кечириб, уни мустаҳкамлар эди. Исроил ерга тушганда изолятор бўйлаб электр қуввати гузуллаб сиз тартмоқларидан олис-олисларга кетгандай бўлди. Исроил ГЭСнинг пешқадам кишиларидан. 5-разрядли электромонтер, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, коммунистик меҳнат зарбдори. Бир неча бор Тошкент область ва Бекобод район Советларининг депутаты бўлган бу фарҳодлар фарҳоди Сирдарёни жилволаб, унинг нур манбаи хизматида 25 йилдан буюн узлуксиз ишлаб келмоқда.

Исроил ақанинг олти боласи бор. Тўнғич ўғли Муҳаммадқон Тошкент политехника институтининг энергетика факультетидида таҳсил олмақда. У, электр инженерини бўлиб чиқиб, отаси бундага келтирган ва ҳозир электр монтер бўлиб ишлайтган жойда инженер бўлиб хизмат этади. Исроил ана: «Мен ораву қилган касбини — олий таълим ағаси инженерлик касбини — ўғлим эгаллаб қайтади» дейди. Мирзохоловнинг қолган ўғил-қизлари энергиячилар шаҳарчасидаги Ҳамза номли ўрта мактабда таълим олмақдалар. Мамадали Ҳасанов, Солижон Муроталиевлар ҳам уйлиқ-жойлиқ, орденилик, ГЭС коллективининг ҳурматли кишилари, коммунистик меҳнат зарбдорлари.

Исроил ака бизни ГЭСнинг машина залига тақлиф этади. Биз тўрт турбина гузуллаб турган ГЭС эйналаридан тушиб, улкан ёнгога кириб борамиз.

ОНА ДАРЁ САҲОВАТИ

БИЗ машиналар залидамыз. Сарбаланд, кўркам ҳона натта саройини эслатади. Ҳона ўртасида турта гидроагрегат гузуллаб айланиб турибди. Сўпириб, артилиб, арқираб турган ҳонада ҳеч ким кўринмайди. Баланс деворда доҳий В. И. Ленин расми туширилган паннода Сирдарёда қурилган ва қурилайтган гидроэлектростанциялар номлари ва энергетик қувватлари кўрсатилган ёзувлар кўзга ташланади. Паннода В. И. Лениннинг «Коммунизм — бу совет доҳимияти плюс бутун мамлакатини электрлаштириш демандир» деб айтган доҳиёна сўзлари олтин харфлар билан ёзиб қўйилган. Ёзув остида Сирдарёда қурилган ва қурилайтган Тоқтағул, Учқўрғон, Қайроққум, Фарҳод ва Чордара гидроэлектростанцияларининг энергетик қувватлари ёзилган.


Иккинчи деворда Фарҳод ГЭС қурилишининг улкан сурати осилдик. Бу сурат ГЭС ишчиси Николай Фирсовнинг мўйчалани билан яратилган. Суратда бош тўғон, деравация ва янги ва ГЭС биносини, манзарали водий кўрилиш нафис бўёқлар билан жозибали ишланган. Биз суратга тикилиб турганимизда ёнмизга ГЭС бош ишконири. Мирзачўл Хидоятлов, техника бўлимининг бошлиғи Николай Куприянович Сидоров келишди. Николай Куприянович ГЭС қурилишининг биричи кўнларидан бўлаб бу ерда ишлайди. ГЭСнинг отахони ҳисобланади. Мирзачўл эса Тошкент политехника институтини таомиллаган, республика электрлаштириш министрлигидида хизмат этиб, энергетика соҳасида пухта билим ва тажриба орттирган элимизнинг беш нур чароғбонларидан.

БОШ ИНЖЕНЕР СҲЗИДАН

БОШ инженер электр сымларга нур қувватини яратиб бераётган гидроагрегатларнинг тўхтовсиз гузуллаб ишлайтганига қулоқ солиб, бизга қаради. Сўнг ГЭС ва унинг хизмати ҳақида суҳбат бошлади:

— Фарҳод ГЭСи мамлакатга нур бериш билан бирга, Мирзачўл ерларига сўв етказиб беради. Мирзачўлнинг шимоллий қисмига қараб йўл олган Киров каналини ҳамма билади. Ана шу канал сувидан 250 минг гектар ер сугорилади. Янгиер билан Ховос ўрта-сидан гарба қараб жанубий Мирзачўл канали ўтган. Бу канал суви 300 минг гектар бўз-биебонларга об-ҳаёт олиб бормоқда. Бундан ташқари Далварин канали Бекобод ва қардош Тошкентнинг Масчоҳ (Бўстон) райони суви билан таъминламоқда. Тошкентнинг жанубий Мирзачўлда бўйбд этилган Зафаробод ерларига ҳам насос орқали Фарҳод ГЭС каналидан сув чиқарилоқда.

Қаранг, қаранг ерлар, дашту биебонлар



ЭЛЕКТР МОНТЕР Исроил Мирзохолов Фарҳод гидроэлектростанциясининг кекса ходимларидан бири. У коммунистик меҳнат зарбдори, ГЭС коллективни ҳурматиға сазовор бўлган илгор ишчи.



МАМАДАЛИ ҲАСАНОВНИ ахтарсангиз, уни доимо ГЭС биносидан топасиз. Ҳасанов ана шу ГЭС биносини, у биричи ғишт қўйган ишчилардан бири, У ўзининг халқ мейгани, ишчавлиги билан коллектив ўртасида ҳурмат қозонган.

Фарҳод сарчашмасидан баҳраманд бўлмоқда. Бу эртанга ҳам йўл мўйғизла! Бу халқимизнинг қадимий оравусининг рўёбга чиққанлиғидир. Илгари Мирзачўл деб ном олган жойда Гулистон, Пахтакор, Янгиер районлари пайдо бўлди. Мирзачўл шарқда қардош Тошкентнинг Бўстон ва Зафаробод районлари ву-жудга келди.

Бош инженер бизни машина залидан олиб ўтиб, бошқарув пултига олиб боради. У, ўзи ишлаб, ўзи ҳисоб-китоб қилиб турган приборларни кўрсатади. Станция тула автоматлаштирилган ва телемеханикаланштирилган. Фарҳод ГЭСи ўзбек энергосистемасига боғланган. Қудратли энергетикамизнинг бир хазинаси ҳисобланади. Суви қардош Тошкентнинг ерида бунёдга келган Қайроққум ГЭС суви омборидан олиб турилади. Халқлар дўстлигини номдаги бу ГЭСни қўрган азаматлар Фарҳод ГЭСини ҳам қўрганлар. Ҳозир Фарҳод ГЭСи кол-лектив орасида турли миллат вакиллари кўриш мумкин. Улар аҳли оилада яшаб, она-Ватанмиз энергетика базасида посбонлик қилмоқдалар.

Биз Фарҳод ГЭСи биносидан чиқар экан-миз, кўз олдимизда Мирзачўл водийси яшнаб кўринадди. Бир-бирига туташ пахтазорлар ГЭС биносини ёнидан бошланган, уфққа бориб тўтасилиб кетган. Янги тилда қурилган, кўркам қишлоқлар, обод шаҳарлар сув ва нур ижодкорларини табриклагандай туюлади. Ки-ли ҳаёли беҳосдан ана шу улғу ҳаёт чароғбон доҳий Ленинни эслади. Табарруқ ота водийда кезиб юргандай бўлади.

Фарҳод чирқарлар мен доҳий ёқдан чирқоқлар бўлман дегандай водий бўйлаб яшнаб кўринадди.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.



ФАРҲОД гидроэлектростанцияси дивер электр қуввати етказиб бериш билан бирга, қадимий Мирзачўл ерларини гулистонга айлантириб, об-ҳаёт манбаини яратиб берди. Сирдарё Фарҳод тоғи этакларида тусилиб, бу ердан янги канал орқали Мирзачўл воҳасига йўл олади. Сиз кўриб турган бу суратда Жанубий Мирзачўл каналининг бош ишпооти тасвирланган.

